

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ


Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 71 (11.132)

Баҳоси эркин нархда

**ПОЙТАХТНИНГ Бир кунли**  
 Янгиликлар, воқеалар



**Хорижий инвестициялар — иқтисодиётга**

## ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА ЖАВОБ БERAДИ

**БУГУНГИ КУНДА ИҚТИСОДИЁТНИ ЮКСАЛТИРИШ, ЮКСАК УНУМЛИ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКА ВА ИЛГОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР БИЛАН ЖИХОЗЛАНГАН ЯНГИ КОРХОНАЛАРНИ БАРПО ЭТИШ ҲАМДА РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ УЧУН ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ, КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК, ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ВА КАСАНАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ НЕЧОҒЛИК КАТТА АҲАМИЯТ КАСБ ЭТИШНИ БАРЧАМИЗ АНИҚ ВА ЯҚҚОЛ КЎРИБ ТУРИБИМIZ.**

Бунинг ҳаммаси биринчи навбатда аҳолининг бандлиги, иш ҳақи ва даромадларини оширишга, қўшимча ишни ўринлари яратилишига катта ҳисса бўлади. Шу боис ҳам мустақиллик йилларида мамлакатимизда чет эллик ҳамкорларга яратилган қулай инвестицион муҳит ўз самарасини бериб иқтисодиётга хорижий сармоялар жалб этиш йилдан йилга ортиб бормоқда. Президентимиз ҳам 2007 йилда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги «Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш — барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир» мавзусидаги маърузасида жорий йилда ислохотларни чуқурлаштиришда хорижий инвесторлар билан ҳамкорликни янада ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратиш лозимлигини таъкидлаб ўтди.

Яратилган шарт-шароит ва имтиёзлар боис ҳам хорижий сармоядорларнинг мамлакатимизга қизиқиши ортомқда, ҳамкорликдаги корхоналар сафи кўпаймоқда. Ана шундай корхоналар орасида 2006 йилда ташкил этилган «Spentex Tashkent Toytera» масъулияти чекланган жамиятини айтиш ўтти керакки, Ҳиндистоннинг «Spentex Industries» компанияси билан ҳамкорликда фаолият кўрсатаётган ушбу корхона энг замонавий технологик линиялар билан жиҳозланган бўлиб, унинг

цеҳларида жаҳон андозалари даражасидаги ип калава ҳамда тўқимачилик маҳсулотлари тайёрланмоқда. Шу боис ҳам корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар нафақат ички бозорда харидорлиги билан ажралиб туради, балки хорижий давлатлар ҳам ушбу товарларга буюртмалар бermoқда.

Асосан маҳаллий ёшлар иш билан таъминланган, Германия, Япония, Бельгия сингари мамлакатлардан келтирилган дастгоҳ ва ускуналар ўрнатилган корхона йилда 43800 тонна ип калава ҳамда 22 миллион погон метр газлама тайёрлаш қувватига эга. Шунингдек, бу ерда сурп матоси тайёрлаш ҳам йўлга қўйилган. Утган йил яқунлари муваффақиятли бўлди. Тадбиркорлар маҳаллий хом ашё — пахтадан 80 миллион АҚШ доллари тенг тўқимачилик маҳсулотлари тайёрлашга муваффақ бўлиб, уларнинг бешдан тўрт қисми Европа, Жанубий Америка, МДХ давлатлари ҳамда Жанубий Корея, Бангладеш, Исроил, Ҳиндистон мамлакатларига экспорт қилинди. Албатта, ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши, экспорт суръатининг ўсиши янги иш ўринлари яратилишига катта ҳисса бўляпти. Бугунги кунга келиб ишчи-хизматчилар сонини икки бараварга ортиб, 5 минг нафарга етиб қолганлигини алоҳида таъкидлаш ҳам қўйилган марраларга дадил оқимлашдан дарак беради.

Асосийси эса корхона ишчи-хизматчиларига яратилган шарт-шароитларнинг етарли даражада эканлиги бўлиб, бу иш суръати ва

самарасида ифодасини топмоқда. Улар учун ишга келиб-қетиш мақсадида махсус автобуслар ажратилган бўлиб, ишчи-хизматчиларга ушбу транспорт воситалари беминнат хизмат кўрсатади.

— Маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатига алоҳида эътибор қаратиш, экспорт ҳажминини оширишда, — дейди корхона бош директори Сантош Кумар Жейн, — бизга Ўзбекистон ҳукуматининг хорижий инвесторларга юксак эътиборлари, яратилган шарт-шароит ва имтиёзлар энг муҳим омил бўляпти. Шу боис ҳам корхонамиз тадбиркорлари бундай имкониятлардан оқилона фойдаланиб, ички ва ташқи бозорда муносиб ўрин эгаллашга, жаҳон андозаларига мос маҳсулотлар турини янада кўпайтиришга саъй-ҳаракат қилаёпти.

Йилдан йилга нуфузи ортиб бораётган корхона ахли жорий йилда 100 миллион долларлик ип калава ва газлама тайёрлаш иш олдчиларига мақсад қилиб қўйишган. Бугунги саъй-ҳаракатлар эса ана шу эзгу мақсадни амалга ошириш ва корхонанинг кейинги ривожланишини таъминлашга қаратилган. Иланишлар самараси эса «Ўзбекистонда тайёрланган» ёриқли корхона маҳсулотларининг жаҳон бозорига янада мустаҳкам ўрин эгаллашида, харидорлари сафи ортишида намоён бўлиши, шубҳасиз.

**Шарифа ИЛЁСОВА СУРАТЛАРДА:** корхона илгорлари фаолиятининг лавҳалар.

ЎЗА суратлари

## ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИНИНГ ЮКСАК ЭЪТИРОФИ

**ХОРИЖИЙ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, ТАҲЛИЛИЙ НАШРЛАР ҲАМДА БОШҚА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАТО/ЕВРОАТЛАНТИКА ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИ (СЕАП) САММИТИДАГИ НУТҚИНИ КЕНГ ШАРҲЛАШДА ДАВОМ ЭТМОҚДА.**

Россиянинг «РИА Новости» ахборот агентлиги Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Бухарестда «Афғонистонда амалга оширилиши ушбу мамлакатдаги вазиятга ижобий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган» гоятда муҳим ташаббусларни илгари сурганига эътибор қаратади. «Бугун Ўзбекистон раҳбари фақатгина мулоқот гуруҳи доирасидаги музокаралар жараёнини қайта тиклашни тақлиф этаётгани йўқ. Президент 2001 йилгача фаолият юритган «6+2» мулоқот гуруҳини «6+3» гуруҳига айлантиришни илгари сурган ҳолда унинг доирасидаги музокараларда НАТО ваколатхонаси ҳам албатта иштирок этиши лозимлигини назарда тутмоқда. Афғонистонда ушбу ташкилотнинг қуролли қучлари фаолият юритаётгани ҳисобга олинса, мазкур тақлифнинг моҳияти аён бўлади. Президент Ислам Каримовнинг фикрига кўра, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш жараёнида барча манфаатдор томонлар иштирок этгандагина ушбу мамлакатни қайта тиклаш борасидаги кенг қамровли режа ишлаб чиқиш имконияти пайдо бўлади», — дея қайд этади агентлик.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг нутқи Қувайт Давлати оммавий ахборот воситаларида ҳам катта қизиқиш уйғотди. Ушбу мамлакатнинг «Ал-Ватан», «Ал-Жарида», «Ал-Кабас», «Ал-Рай» каби етакчи даврий нашрлари юртимиз раҳбари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларга бағишланган қатор таҳлилий мақолаларни эълон қилди. Жумладан, «Ал-Ватан» газетаси Президент Ислам Каримов Бухарестдаги Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши саммитидаги нутқида НАТОни афғон халқининг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларини қондириш, аҳолини иш билан таъминлаш, мамлакатдаги ҳокимиятнинг вертикал бошқарув тизimini такомиллаштириш, ҳокимият нуфузини ошириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратишга даъват этди. Бу эса, ўз навбатида, халқаро коалиция қучлари Афғонистон аҳолисининг ишончини қозонишига хизмат қилади.

Ўзбекистон раҳбари аҳолининг диний ва миллий-маданий қадриятларини ҳурмат қилиш, кам сонли миллатлар манфаатларини ҳимоя қилиш ва ушбу масала билан боғлиқ бўлган барча кафолатларни таъминлаш зарурлигини таъкидлади. Бу муҳим талабларни ҳисобга олмасдан Афғонистондаги муаммоларни ҳал этиш, мамлакатда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш мумкин эмас», — деб ёзади газета.

Қувайтнинг «Ал-Жарида» газетаси ҳам ушбу фикрни ривожлантирган ва Ўзбекистон раҳбари томонидан илгари сурган тақлифларнинг аҳамиятига уруғ берган ҳолда юртимиз раҳбарининг 1997-2001 йилларда БМТ кўмағида самарали фаолият кўрсатган «6+2» мулоқот гуруҳи доирасида Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги музокаралар жараёнини қайта тиклаш ташаббусига алоҳида тўхтади.

«Маълумки, Афғонистонга қўшни давлатлар — Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон, Эрон, Покистон, Хитой ҳамда Россия ва Америка Қўшма Штатларининг ваколатли вакилларида таркиб топган ушбу гуруҳнинг фаолияти Афғонистонда тинчликка эришиш бўйича умумий тамойиллар ва ягона ёндашувларни ишлаб чиқишга қаратилган эди», — деб ёзади «Ал-Жарида».

Ушбу мавзуга «Ал-Кабас» газетаси ҳам тўхталиб жумладан, давлатимиз раҳбарининг «музокараларда НАТО ваколатхонаси иштирок этишини ҳисобга олиб, «6+2»ни «6+3» гуруҳига айлантириш» борасидаги ташаббусига эътибор қаратган. «Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Афғонистондаги вазиятни тартибга солиш борасидаги ташаббуслари илк бора илгари сурлаётгани йўқ, — деб ёзади «Ал-Рай» газетаси. — Ушбу масалага бағишланган урчуш ва музокаралар авваллари ҳам кўпайиб ўтказилган. Бирок Евроатлантика саммити каби юксак минбардан бундай тақлифлар илк бор янгради».

Оммавий ахборот воситалари, шунингдек, Ўзбекистон раҳбарининг ислом динига қарши амалга оширилаётган асосий хуруж ва бўҳтонларга йўл қўймаслик зарурлиги тўғрисидаги фикрларига ҳам алоҳида тўхтаган. Давлатимиз раҳбарининг фикрлари ўринли ва ўз вақтида билдирилганини таъкидлаган ҳолда «Ал-Рай» газетаси ўз мақоласини Голландия парламенти депутати Геерд Вилдерс томонидан суратга олинган ва мусулмонларнинг диний туйғуларини таҳдирловчи «Фитна» ҳужжатли фильми яратилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ТИВ хузуридаги «Жаҳон» ахборот агентлиги хабаридан олинган кўчирма билан тўлдирди.

«Ислам динига нисбатан навбатдаги ҳужумлар ҳозирги кун дунёсида динлараро низоларни атайин келтириб чиқаришга бўлган интилишдан ўзга ҳеч нарса эмас. Бу хилдаги бемулоҳаза ва масъулиятсиз таъналар тинч-тотувликда яшашнинг энг асосий тамойилларига путур етказиб, халқаро ҳуқуқ, одоб ва ахлоқнинг умумэътироф этилган меъёрларига зиддир ҳамда уларни ҳеч бир вақт ва ишонтиришлар билан оқлаб бўлмайд», — деб ёзади Ал-Рай газетаси.

(Давоми 2-бетда).



**Каска сатрларда**

● **КЕЧА** Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Ёшлар йилига бағишлаб талабалар, ўқитувчилар иштирокида ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш масалаларига бағишлаб ўтказилган тадбир Тадбиркорлар ва ишбилармонлар харакати—Ўзбекистон либерал-демократик партияси «Ёшлар қаноти» ҳамкорлигида ўтказилди.

● **КЕЧА** Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Ёшлар йилига бағишлаб талабалар, ўқитувчилар иштирокида ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш масалаларига бағишлаб ўтказилган тадбир Тадбиркорлар ва ишбилармонлар харакати—Ўзбекистон либерал-демократик партияси «Ёшлар қаноти» ҳамкорлигида ўтказилди.

● **КЕЧА** Тошкент шаҳар Мудофаа ишлари бошқармаси ташаббуси билан Тошкент шаҳар чакирув-ийинг пунктида Чилонзор туманидан мuddатли харбий хизматга отланган йигитларни кузатиш маросими ўтказилди.

● **БУГУН** Ҳамза туманида туман ҳокимлиги қoшидаги воёга етмаганлар билан ишлаш комиссияси ҳамда туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорликларида ўтказилган маънавий-маърифий давра суҳбати «Хуқуқбузарлик—ёмон иллат» деб номланди.

● **ЭРТАГА** «Ўзэкспомарказ»да «Текстил ускуналари» кўргазмаси ўз ишини бошлайди. Ушбу тадбир 18 апрелга қадар давом этади.

● **КЕЧА** шаҳримизда Украина миллий-маданият маркази ташаббуси билан ташкил этилган бола-лар ижодиёти фестивали «Эртаклар—яшйилликка етаклар» деб номланди.

● **КЕЧА** Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетиди таърилий сифатини янада яхшилаш мақсадида ташкил этилган малака ошириш курсида Тошкент вилояти халқ таълими муассасалари ходимлари иштирокида бўлиди.

● **ТОШКЕНТ** ахборот технологиялари касб-хунар коллежида ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган «Ўзбекистон—умумий уйимим» мавзусидаги дўстлик фестивали Ёшлар йилига бағишланди.

**МАМЛАКАТИМИЗДА**

● Кеча Тошкентда «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси томонидан ташкил этилган тармок саноат ярмаркаси ўз ишини бошлади. Ярмаркада «Ўзбекнефтгаз» компанияси таркибига кирувчи барча акциядорлик компаниялари иштирок этмоқда. Улар томонидан намойиш этилаётган тайёр маҳсулотлар намуналари, бутловчи қисмлар ва материаллар юқори қўшимча қийматга эга ҳамда экспортбopлиги билан эътиборни тортади.

● Жорий йилнинг 3-4 май кунлари Шаҳрисабзда кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Амир Темури хотирасига бағишланган V аънавий халқаро турнир бўлиб ўтади. Кеча Тошкентдаги «Олимпия шон-шўхрати» музейида ана шу нуфузли мусобақага тайёргарлик жараёнига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

● Қақшадарёда Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, вилоят ҳокимлиги ва БМТнинг Аҳолишунослик фонди ҳамкорлигида «Эзгулик» аёллар ва уларнинг оилаларини ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш маркази ташкил этилди.

● Тўқимачилик саноати корхоналарини энг илгор технологиялар билан қайта жиҳозлаш дастурига кўра Избоскан туманида «Тагус текстиль» Ўзбекистон-Британия қўшма корхонаси ташкил этилди. Натжидада 200 нафар маҳаллий йигит-қиз муқим иш жойига эга бўлди.

● Андижон вилояти, Олтинқул туманидаги Уюшин ва Қумақай қишлоқларида замонавий рақамли асбоб-ускуналар ўрнатилган янги телефон станциялари фойдаланишга топширилди. Янги станциялар абонентларга жаҳоннинг ҳар қандай шаҳри билан телефон орқали боғланиш имкониятини беради.

● «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Тошкент вилоят бўлими «Ёшлар йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Янгийўл шаҳридаги академик лицейда маданий-маърифий тадбир ташкил этди. Тадбирда фаол қатнашган 20 нафар иштирокчига жамғарманинг совғалари топширилди.

● Андижон шаҳрида миллий ўйинлар фестивали ўтказилди. Ушбу кўрик-танлов «Камолот» ЕИҲ Андижон вилоят Кенгаши, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамкорлигида ташкиллаштирилди.

● Термиз шаҳрида «Шимолий дарвоза» корхонаси оддийгина технология ёрдамида пластмасса томёқичлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бу билан корхонада ўнта янги иш ўрни яратилди. Ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайтириш ҳисобига эса бу йил яна ўнта иш ўрни очил мўлжалланмоқда.

**ЖАҲОНДА**

● Кеча Италияда яқунланган навбатдан ташқари парламент сайловларидаги барча овозлар ҳали тўла ҳисоблаб чиқилмаган бўлсада икки асосий номзоднинг бири — Демократик партия етакчиси Вальтер Вильтрани ўз мағлубиятини тан олиб рақиби Сильвио Берлусконини ғалаба билан таъриқлади. Берлусконини ўзининг телевидение орқали чиқишида Вазирлар Маҳкамасини шакллантириганидан сўнг биринчи навбатда Неополдаги чиқиндилар муаммоси ва «Ал Италия» авиакомпанияси таназзулини ҳал этажанини таъкидлади.

● Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Борис Гризлов ўрнига «Единая Россия» партиясига етакчилиқ қилиши масаласи кеча бошланиб икки кун давом этадиган партиянинг 9-съезидида маълум бўлади.

● Испания мамлакат тарихида илк бор мудофаа вазири лавозимига аёл киши тайинланди.

● Грузия ўз тинчликпарвар қучларини Косоводан олиб чиқиб кетишга қарор қилди.

● Кеча денгиз қароқчилари томонидан Сомалида паромда кетаётган чоғида гаровга олинган ва бир ҳафта давомида ушлаб турилган 30 нафар Франция, Филиппин, Камерун ва Украина фуқаролари 2 миллион долларлик тўлов эвазига қутқарилиб олиниб, Францияга етиб келишди. Шунингдек, уларни гаровга олган 6 та қароқчи ҳам қўлга олинди.

● Кеча Нью-Йорк товар биржасида ўтказилган навбатдаги савдоларда нефтнинг нархи яна рекорд даражага кўтарилди. Яъни бир баррел «қора олтин» 111,76 доллар қийматида қайд этилди.

● Бразилияда жаҳонда катталиги жиҳатидан учинчи ўринда турувчи нефть қони топилди.

● Зимбабве муҳолифатчилари мамлакатда мuddати белгиланмаган умумий иш ташлаш уюштирилишини эълон қилишди.

● Бугун Нью-Йоркдаги Кристис аукциониди XIX-XX асрларда яшаб ижод этган буюк рус рассомлари Айвазовский, Шишкин ва бошқаларнинг қимматбаҳо суратлари қўйилган икки кунлик кимовши савдоси бошланди.

● Финляндиянинг дунёда машҳур NOKIA уяли алоқа телефонлари ишлаб чиқариш компанияси раҳбарияти Германиянинг Бохум шаҳрида жойлашган завод фаолиятини тўхтатди. Янги ишлаб чиқилган дастур асосида завод фаолиятининг тўхтатилиши натижасида компания раҳбариятининг 2300 нафар ишчини бўшатишига тўғри келди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

# ТАДБИРКОР

«Ташаббус—2008» ғолиблари

## ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОРТАДИ

**БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ИЗЛАНИШДАН, ЯНГИЛИК ЯРАТИШДАН ЧАРЧАМАГАН ТАДБИРКОР, АЛБАТТА, МУВАФФАҚИЯТ ҚОЗОНАДИ. У АНА ШУ МУВАФФАҚИЯТЛАРИДАН ЯНАДА ИЛҲОМЛАНИБ ЭЗГУ ИШЛАРГА ҚҮЛ УРАДИ, ҲАМ ҲАЖМИДА БИЛАН ИҚТИСОДИЙЛИК РИВОЖИГА, ЭЛ-ЮРТ ФАРОВОНЛИГИГА ҲИССА ҚўШАЁТГАНДАН БЕНИҲОЯ ҚУВОНАДИ.**

Ана шундай тадбиркорлардан бири Анавар Назировни бугун бутун мамлакатимиз таниди, эл-юрт олқишлайди. Албатта, бу унинг ҳақиқий ишбилармонлиги, ўз гоёси йўлида тинмай изланиши самарасидир. Мустақиллигимиз шарофати билан хусусий тадбиркор сифатида иш бошлаган Анавар Назировга тадбиркорлик ривожига қаратилган кенг имкониятлар янада қўл келди. Ана шундай имкониятлардан оқилона фойдаланиб ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, янги йўналишлар бўйича рақобатбардош, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар тайёрлашга, қўшимча ишчи ўринлари яратишга муваффақ бўлди.

Ҳозирда у раҳбарлик қилаётган «ASN» масъулияти чекланган жамиятида тайёрланаётган савдо жихозлари ва пештахталар, маиший музлаткичлар ҳамда мебель маҳсулотлари нафақат ички, бал-

ки ташқи бозорда ҳам харидорини топмоқда. Яқинда Ашхабодда ўтказилган Туркменистон—Ўзбекистон ярмаркасида ўз маҳсулотларини намойиш этган тадбиркорлар қўшни давлат билан шартнома имзоладилар. Уларнинг буюртмаларига кўра корхонада тайёрланаётган сифатли маҳсулотлар Туркменистонга экспорт қилинади. Шунингдек, рақобатбардош товарларни келгусида Россия, Қозғистон ва Тожикистонга ҳам экспорт қилиш режалаштирилган.

— Айни пайтда жамоамизда 70 нафар киши иш билан таъминланган,— дейди савдо-сотик ишлари бўйича бўлим бошлиғи Тимур Мамонов. —Учта йўналиш бўйича фаолият кўрсатамиз. Булар савдо жихозлари ва пештахталари, маиший музлаткичлар ҳамда мебель маҳсулотларидир. Харидорларга қулайлик яратиш мақсадида «Чилонзор»



ҳамда Паркент бозорларида корхонанинг фирма дўконлари фаолияти йўлга қўйилган. Ўтган йилда музлаткичли савдо пештахталаримизнинг янги турларини ишлаб чиқаришга жорий этдик. У электр энергияси тежамкорлигида муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, «Аксимо» деб номланган янги офис мебеллигини харидорларга тортиқ этдик.

Корхона цехларига Италияда ишлаб чиқарилган ва ўзимизнинг замонавий дастгоҳлар ўрнатилган бўлиб, жорий йилда Италиядан яна бир янги линия келтириш кўзда тутилмоқда. Албатта, ёшлар учун ишчи ўринлари ҳам яратилади, экспорт ҳажмини оширишга эришилади.

«Интиланганга толе ёр» деган нақли корхона тадбиркорлари мисолида аниқ

қўриш мумкин. Қуни кеча бўлиб ўтган «Ташаббус—2008» кўрик-танловининг якуновчи республика босқичида пойтахтимиз тадбиркорлари шарафини ҳимоя қилган корхона раҳбари Анавар Назиров «Энг яхши тадбиркор» йўналиши бўйича 1-ўринни эгаллаб, Президент соврини қўлга киритди. Бундай рағбатлантиришдан бениҳоя қувонган тадбиркор раҳбарнинг келгусида эл-юрт ишончини оқлашга, жаҳон бозоридан ўз маҳсулотлари билан муносиб ўрин эгаллашга астойдил ҳаракат қилишига шак-шубҳа йўқ.

**ШАРИФА ИЛЁСОВА**  
**СУРАТДА: корхона директори Анавар Назировга Президент соврини — диплом, олтин медаль ва «МАТИЗ» автомашинаси қилиб топширилди. Азамат Аҳмедов олган сурат**

### ҲАР БИР ҲУНАРНИНГ ЎЗИГА ЯРАША ЗАВҚИ, МЕҲНАТ МАШАҚАТЛАРИ БОР. ШУ БОИС ҲАМ ҲУНАРГА АСТОЙДИЛ МЕХР ҚўЙГАНЛАР, УНИНГ ЗАҲМАТИДАН ЧўЧИМАГАНЛАР ҲАМИША ЭЪЗОЗ ТОПАДИ, ЭЛ-ЮРТГА ТАНИЛАДИ.

Ота-боболаримиз қадимдан халқ амалий ҳунармандчилигининг ёғоч ўймакорлиги йўналишида қўллаб ишларни амалга ошириб, уларни ажодларга мерос қолдирганки, шу боис ҳам бугунги кунда уларнинг издошлари сафи тобора кенгайиб бормоқда. Айниқса, ёғоч ўймакорлигининг нозик сир-асрорларини астойдил ўрганиб, санъат даражасидаги асарлари билан мамлакатимиздагина эмас, балки хорижий давлатларда ҳам доврғ қозонаётган, миллий ҳунармандчилигимизнинг жаҳонга танилишига ҳисса қўшаётган ҳунари гўзаларимизнинг изланишлари алоҳида эътирофга лойиқдир. Улар яратадиган ҳар бир маҳсулотда, ҳар бир буюмда миллий қадриятларимиз эъзоз, шарҳона урф-одат ва удумларимиз умрбоқийлиги ёрқин акс этиб туради.

Пойтахтимизда ушбу ҳунарни эъзозлаб, ажодлардан авлодларга ўтказиётган Юсупхўжаевлар сулоласи ҳам халқ амалий ҳунармандчи-

### Ҳунари гўзаллар

## ИҚТИДОРИ НАМОЁН БЎЛМОҚДА

лиги ривожига муносиб ҳисса қўшаётганлар сирасига қиради. Халқимизда «От ўрнини той босади» деган аjoyиб нақл борки, бу ажодлар анъаналарига содиқ қолаётган, уларнинг эзгу ниятларини ижодий ривожлантираётган авлодлар фаолиятида, ота-боболардан мерос ҳунарларни мукамал эгаллаётган фарзанд ва набиранлар қамалида яққол кўзга ташланмоқда.



Бугунги кунда иқтидорли ёғоч ўймакорлари қаторидан муносиб ўрин эгаллаётган Файзулла Юсупхўжаев ота-боболари ҳунарига астойдил меҳр қўйганлардан. У ушбу ҳунар сирларини ақаси Фахриддин, тоғаси Акмал Азларовлардан ўрганган. Болалигидан қўлига асбоб олиб ёғочга ишлов берган, кичик-кичик буюмлар ясаган. Ёғоч ўймакорлигининг Тошкент йўналиши ривожланишига муносиб ҳисса қўшаётган ёш уста бугунги кунда «Абулқосим» мадрасасида фаолият кўрсатиб, шунинг баробарида шогирдлар тайёрлашга ҳам эътибор қаратмоқда.

—Ҳар бир маҳсулотни тайёрлашдан олдин унинг эскизини чизиб олишга ҳаракат қиламан,— дейди Файзулла Юсупхўжаев. —Кейин шу асосда иш бошлайман. Албатта, тарихни ўрганиш, қадимий обидларни зиёрат қилиш, устозлардан маслаҳат олиш, уларнинг ҳар бир ҳаракатини эринмасдан кузатиш фаолиятимда яхши самара берапти. Ўтган йилда пойтахтимиздаги азиз зиёратгоҳга айланган «Хастимом» мажмуасидаги «Барокхон» мадрасаси эшик тоқиларини безашда фаол иштирок этдим. Бундан бениҳоя мамнунман. Шунингдек, янги турдаги лаган, лавҳ, сандиқча ва қаламдонлар тайёрлашга муваффақ бўлдим.

Файзулла ҳар бир маҳсулотни тайёрлар экан, унда ўз иқтидорини намойён этишга интилади. Янги-янги нақшлар устида тинмай изланади, унинг ишлари бир неча бор халқаро кўргазмаларда ҳам эътироф этилган. Айниқса, уста ва шогирдлар тайёрлаётган ёғоч ўймакорлиги маҳсулотларига чет давлатлардан ҳам буюртмалар тушаётгани қувонarliдир. Ўтган йилда улар москвалик буюртмачиларнинг ишларини пухта бажаришиб, уларга тошойнаги эшик ясаб беришди.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, юртимизда ўтказилаётган кўргазма ва кўрик-танловлардаги иштироки ёш устанинг иқтидорини намойён этиб, уни эл-юртга танитмоқда. У бир неча йилдан буён мамлакатимизда Президент соврини учун ўтказиб келинаётган «Ташаббус» кўрик-танловида янги муваффақиятлари, изланишлари билан иштирок этади ва олқишларга сазовор бўлмоқда. «Ташаббус—2008» кўрик-танловининг Ҳамза туман босқичида 1-ўринни, пойтахт босқичида эса фахрли 2-ўринни қўлга киритди. «Энг яхши ҳунарманд» номини қўлга киритган Файзулла Юсупхўжаев бугунги кунда ёғоч ўймакорлиги йўналишида рақобатбардош маҳсулот турларини яратиб, элга манзур қилиш, бунёдкорлик ишларига ҳам муносиб ҳисса қўлиш, санъат даражасидаги буюмлари билан миллий ҳунармандчилигимиз доврғини жаҳонга ёйиш истагида, албатта рағбатлантиришлардан илҳомланган ҳолда меҳнат қилмоқда.

**Шарофат БАҲРОМОВА**

**СУРАТДА: Файзулла Юсупхўжаев иш устида Наталья Семёнова олган суратлар**

### Ахборот-маслаҳат марказларида

## ҲАМИША ЁРДАМГА ШАЙ

**ПОЙТАХТИМИЗДА ЮЗЛАБ КИЧИК ФИРМАЛАР, ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТГАН ҚўШМА КОРХОНАЛАР, ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТ КўРСАТМОҚДА. УЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР, ТАЛАБЛАР ДАРАЖАСИДАГИ ХИЗМАТЛАР ТУРИ ОРТИБ БОРМОҚДА. АЛБАТТА, БУ ТАДБИРКОРЛАГА ЯРАТИЛГАН ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР, МУСТАҲҚАМ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ САМАРАСИДИР.**

Шунингдек, тадбиркорларга ҳар томонлама ёрдам бериш, уларни қўллаб-қувватлаш, малакасини оширишда туманларда фаолият кўрсатаётган Ахборот-маслаҳат марказларининг ҳиссаси салмоқлидир.

Шаҳримизнинг Юнусобод туманида ҳам мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўлишига интилаётган, уларнинг талаблар даражасидаги маҳсулотлари, рақобатбардош хизматлари билан эл-юрт фаровонлигини ошираётган, бандлик масаласи ечимини таъминлаётган, илгор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этаётган, касаначилар сафи ортишига эришаётган кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари қўллаб топилди. Уларнинг барчасига амалий ёрдам кўрсатишда эса республика Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар қўлқўли бошқармасининг унитар корхонаси саналган «BAJARISH» Ахборот-маслаҳат марказининг малакали мутахассислари меҳнатларини алоҳида таъкидлаш ўринли.

— Асосий мақсадимиз тадбиркорларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлашдир,— дейди марказ директори Александра Гончарова.

— Турли маслаҳат хизматларини кўрсатиш, қисқа муддатли ҳамда домий фаолият кўрсатувчи курсларда ўқитиш, шунингдек, тадбиркорлардан тушган тақлифларни қонун органларига умумлаштирган ҳолда топшириш сингарилар ана шу мақсад ва вазифаларимиз сирасига қиради. Фақатгина ўтган 2007 йилда марказимиз 12,6 миллион сўмлик хизмат кўрсатган бўлса, унинг 3,8 миллион сўмлиги бепулдир. Ўтган йилда кичик корхоналарнинг

1105 нафар раҳбар ходим ва ҳисобчилари ўз малакаларини оширишга муваффақ бўлишди. Марказимизда мавжуд «Ишонч» телефони орқали 255 та ариза қабул қилинди. Уларнинг барчасига мутахассисларимиз маслаҳат ва тушунтиришлар бердилар ва амалий ёрдам кўрсатилди.

— Шунинг эътирофи этиш лозимки, бизнес ривожига кредит маблағларининг кўмаги каттадир. Аммо кредит олиш учун керакли барча ҳужжатларни тайёрлашни тадбиркорларимиз аниқ билишлари лозим. Ушбу масала юзасидан марказ томонидан «Азиз савдо Зафар», «FEMELI», «FON» масъулияти чекланган жамиятлари, «Асизода бегим» хусусий корхонаси сингариларга тўла ёрдам кўрсатилди. 56 та ташкилотга кредит олиш учун бизнес режа тайёрлашда тушунтириш берилди. Натижада «Мавлон техник» МЧЖ лизинг асосида ускуналарга эга бўлди. «Реклама Мастер» МЧЖ ишлаб чиқаришни модернизациялашга эришди. «Рапхон» МЧЖ эса янги технологик линия сотиб олди. Трикотаж маҳсулотлари тайёрлашга иxtислослашган «Гранд апекс» МЧЖ ўз цехларини 250 миллион сўмлик янги ускуналар билан жиҳозлади. Бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкин. Албатта, бу борада марказнинг кўмагини таъкидлаш лозим.

— Экспортчи ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади,— дейди Александра Гончарова. — Ана шуни ҳисобга олган ҳолда 1,5 мингдан зиёд кичик корхона ва хусусий тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари республикамизда ўтказилган кўргазма, ярмарка, савдо биржаларида фаол иш-

тирок этишди ҳамда хорижий ҳамкорлар билан шериклик шартномалари тузишга, алоқаларни мустаҳкамлашга муваффақ бўлишди. Бу шубҳасиз «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиқли рақобатбардош товарларни хорижий давлатларга экспорт қилиб, иқтисодиёт рағбатига улуш қўлишида муҳим аҳамиятга эгадир.

«BAJARISH» Ахборот-маслаҳат маркази ўтган йил сўнгида тумандаги тадбиркорлик субъектлари ўртасида анкета саволлари ўтказиб, уларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиб, ечимини кутаётган муаммоларга эътибор қаратилди. Жорий йилда ҳам марказ муаммоларни ўрганишга эътибор қаратмоқда. Албатта, тадбиркорларнинг ютуғидан қувониш, муваффақиятларга кўмаклашиш, мавжуд муаммоларини ечишда мададкор бўлиш эзгу ишга бел боғлаган марказ мутахассисларининг асл мақсадлари сирасига кириб, улар бутун диққат-эътиборларини ана шунга қаратишда Чўчки улар Президентимиз Вазири Маҳаммаси мажлисида «...аҳолини иш билан таъминлашни янада яхшилаш ва унинг фаровонлигини оширишнинг энг муҳим йўналиши сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни рағбатлантиришни жорий йилда иқтисодий ислохотларни чўқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналиши» қаторида таъкидлаганларини жуда яхши биладилар ва албатта уни бажаришда тадбиркорлар ёрдамига ҳамма шай мутахассислар ўз имкониятларидан оқилона фойдаланишди.

(Ўз мухбиримиз)

### Кичик бизнес

## СИФАТЛИ ШИРИНЛИКЛАР

**АҲОЛИ ДАСТУРХОНИ ТўКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА СИФАТЛИ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАЙЁРЛАБ, УЛАРНИ ХАРИДОР ДИД ВА ЭҲТИЁЖИГА ЯРАША ҚАДОҚЛАШГА ИНТИЛАЁТГАН ҲАМДА БУНГА ЭРИШАЁТГАН КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИНИНГ ҲАМ МУНОСИБ ЎРНИ БОР.**


Ана шундай жамоалардан саналган «ИЛВАТ» масъулияти чекланган жамияти қандолатпазлари ҳам бугунги кунда 20 хилдан зиёд турдаги маҳсулотлари билан харидорларни мамнун этишмоқда.

— Ишлаб чиқаришни йўлга кўра эканмиз,— дейди корхона раҳбари Шухрат Аминов,— аввало бозорни ўрганиш ва ҳамшаҳарларимиз учун керакли ва зарур печенье ҳамда бошқа ширинликларни тайёрлаш бошладик. Маҳсулот тайёрлашда асосан маҳаллий хом ашёдан самарали фойдаланамиз. Дастгоҳларимиз эса Россия давлатидан келтирилган бўлиб, талабга тўла жавоб беради. Ҳозирги кунда 8 нафар қандолатчиларимизнинг саъй-ҳаракатлари билан маҳсулотларимиз турини 24 хилга етказишга муваффақ бўлдик.

Корхонада тайёрланадиган қандолат маҳсулотлари пойтахтимиздаги қўллаб савдо шохбачалари орқали харидорларга етиб бормоқда. Жорий йилдан бошлаб тадбиркорлар янги турдаги сутли печенье ҳамда шарҳона пишириқ—чак-чак ширинлигини ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар. Келгусида эса янги хил озиқ-овқат

маҳсулотларини ишлаб чиқариб, уй бекалари меҳнатини энгиллатишни ният қилишган.

**Нозима АКРОМОВА**  
**СУРАТДА: тадбиркор Шухрат Аминов (чап-да) янги маҳсулотлар сифатидан мамнун.**



## ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИНИНГ ЮКСАК ЭЪТИРОФИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Ал-Анба» газетаси эса ўз саҳифаларида муаллиф Бушра ал-Зайнинг мақоласини эълон қилган. Унда ёзилишича, Бухарест саммитида Ўзбекистон раҳбари янги тақлифларни илгари суриб, НАТОни Афғонистондаги вазиятга ижобий таъсир ўтказишга йўналтирилган масалаларни ҳал этиш жараёнига қўшилишга даъват этди. Муаллиф, жумладан, Президент Ислам Каримовнинг Афғонистондаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, ҳокимиятнинг вертикал бошқаруви ва нуфузини мустаҳкамлаш, шунингдек, халқаро коалиция вакиллари маҳаллий аҳолининг ишончини қозониши билан боғлиқ имкониятларни кўриб чиқиш юзасидан билдирган ташаббуслари муҳим эканини қайд этган. Шу билан бир қаторда, мақолада барқарорликни мустаҳкамлаш, Афғонистон халқининг диний, миллий-маданий қадриятлари ва урф-одатларини ҳурмат қилиш, кам сонли миллатлар манфаатларини ҳимоя қилиш ва ушбу масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ бўлган барча қарорларни белгилашда зарурлиги ҳақида сўз борган.

Бушра ал-Зайнинг ёзишича, Президент Ислам Каримовнинг янги тақлифлари факт ва далиллар билан асосланган бўлиб, Марказий Осиё минтақасидаги хавфсизликни таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ҳамкорлик истиқболларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Покистоннинг инглиз тилида чоп этиладиган энг нуфузли нашрларидан бири — «The Nation» «Ўзбекистон НАТОга Афғонистонда ўз ёрдамини тақлиф қилмоқда» сарлавҳали мақолани эълон қилди. Унда Президент Ислам Каримовнинг «6+3» гуруҳини тузиш юзасидан илгари сурган ташаббусига юқори баҳо берилган. Газетанинг ёзишича, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг мазкур гуруҳ фаолиятига НАТОни жалб қилиш бора-бор тақлиф мантикий қарордир. Негаки, НАТО харбий контингенти Афғонистондаги операцияларда бевосита иштирок этмоқда.

Эроннинг инглиз тилида чоп этиладиган «Техран таймс» газетаси «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2008 йил 3 апрель кун Бухарест саммитида илгари сурган тақлифлари» сарлавҳали мақолани чоп этди. Унда мамлакатимиз раҳбарининг Афғонистондаги барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ бўлган тақлифлари ўз ифодасини топган.

Араб давлатларининг бир қатор етакчи оммавий ахборот воситалари, хусусан, Мисрининг «Ал-Мустакбал» газетаси, Саудия Арабистонининг «Ал-Жазира» ва Ислам Конференцияси Ташкилотининг электрон ахборот агентлиги [www.islamicnews.org.sa](http://www.islamicnews.org.sa) ҳам ўз саҳифаларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг НАТО/СЕАП саммитидаги нутқиға бағишланган мақолаларни joyлаштирган.

Юртимизнинг Қувайтдаги элчихонаси кўмагида ушбу мамлакат ижтимоий-сиёсий, академик доиралар ҳамда ОАВ вакиллари иштирокида «давора суҳбати» ва брифинг ўтказилди. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг НАТОнинг Бухарест саммитида сўзлаган нутқи тадбир иштирокчиларининг диққат-марказида бўлди. Учрашув ниҳоясида иштирокчилар юртимиз раҳбарининг нутқи юзасидан фикр-мулоҳазалар билан ўртоқлашди.

Жумладан, улзуксиз таълимга иختисослашган Араб очик университетининг Бош директори Фахд ал-Меқраднинг фикрича, Тошкентнинг Афғонистон муаммосини барқарор этишга оид музокараларда, шунингдек инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш, йўллар, кўприklar ва бошқа инфратузилма объектларини қуриш жараёнидаги иштироки Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга бўлган интилишидан далолат беради.

Қувайтлик олимнинг айтишича, «Афғонистонга қўшни мамлакатларнинг тинчлик музокараларида иштирок этиш ушбу мамлакатдаги сиёсий, иқтисодий ва гуманитар инкирознинг олдини олиш йўлида янги босқич бўлади».

**Табийи фанлар ва технологиялар университетини Гуманитар ва табийи фанлар факультети умумий таълим департаменти раҳбари Масуд Абдурахим** 1997-2001 йилларда самарали фаолият юритган «6+2» гуруҳига НАТОни жалб қилиш ва гуруҳни «6+3»га айлантириш Афғонистондаги ички сиёсий вазиятга ижобий таъсир этиши мумкинлигини таъкидлади.

М.Абдурахимнинг қайд этишича, Ўзбекистон раҳбари сўнги йилларда Афғонистон муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш бўйича ташаббусларни халқаро миқёсда илгари сурган ягона хорижий давлат раҳбаридир. Бу тақлиф ва ташаббуслар Афғонистонга чегарадош давлатлар иштирокида вазият кескинлашувининг олдини олиш ва музокаралар жараёнини бошлаш борасида келишувга эришишга йўналтирилган.

**Мустақил журналист Ҳасан Абдулазизнинг** фикрича эса «Президент Ислам Каримов қўшни Афғонистоннинг деярли барча асосий муаммоларини тилга олиб ўтди. Уларнинг орасида, аввало, ижтимоий-иқтисодий муаммолар, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда ҳокимият нуфузини мустаҳкамлаш, халқаро коалиция қулашига нисбатан аҳоли ишончини кучайтириш, гиёҳванд моддалар ишлаб чиқариш ва наркотрафикка қарши кураш, самарали фаолият юритувчи давлат институтларини шакллантириш каби масалалар мавжуд.

Оғир ижтимоий инкирозни бошидан кечираётган Афғонистон учун энг муҳим масала — бу қўшни давлатлар худуди орқали инсонпарварлик ва бошқа ноҳарбий юкларни олиб ўтишдир. Ўзбекистоннинг мазкур мақсадлар учун ўз худудидан фойдаланишга розилик беришга тайёрлиги — эзгу ният ифодасидир.

— Ўзбекистон раҳбари НАТО/СЕАПнинг нуфузли минбаридан туриб, ислом дини ва унинг қадриятларини ҳимоя қилган ягона давлат раҳбари бўлганини алоҳида таъкидлаш даркор. Ислам Каримовнинг муқаддас динимизга нисбатан бўлаётган хурурларга чек қўйишга қаратилган давлатлари — бугунги кунда мусулмон ахлининг кўнглидан кечаётган ўй-хаёллар, ҳис-туйғуларнинг ёрқин намунаси-дир, — дея қайд этди қувайтлик журналист.

«Жаҳон» АА



03-03 ЎТГАНИБ ДОНО БУЛАВ...

МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БУСТОНИ АБУ АБДУЛЛО РУДАКИЙ ХИКМАТЛАР

Карга-кузгун бўлса кимга раҳнамо, Жаҳаннам қаърида манзилу маъво.

Ипак курт ипаги ўзига кафан, Ипак кийим қилар уни ўзга тан.

Эри хотинига деди: «Ёмонлик, — Қилсанг, топмагайсен сен ҳам омонлик».

Аҳволинг танг келса, тинчима зинҳор, Ҳар қандай танглиқдан чиқиш йўли бор.

Бадниятли душман ётадир пушиб, Сенга ҳужум қилиш вақтини кутиб.

Душман кўплик қилар битта бўлса ҳам, Дўстинг юз бўлса-да, минг бўлса-да кам.

Дунёнинг сирлари кўзингдан ниҳон, Дил кўзига сиррин очар бу жаҳон.

Ошкорга қарагил ошкор кўз билан, Ниҳонга ичдаги бедор кўз билан.

Покиза бўл, жангу жадал қидирма, Ўз нафсинг кетидан эргашиб юрма.

Шошмай бир меъёрда айланар осмон, Сен ҳам шундай, шошмай ишла, эй инсон.

Замона от бўлса, уни миниб чоп, Замон копток бўлса, чавгон чўбин топ.

Очни тўқ юзсиз санар, ул сўраса нон, Чунки бировнинг дарди бировга осон.

Танбалликдан олис бўл, олис, Файратдир иш битишга боис.

Топганинг ўзинг е ва кўргил баҳам, Бахтлидир борини бўлишган одам.

Қилич дами нима, ўткир тиг нима? Сен бу иккисининг маъносини бил: Бири худди ажал оғзидаги тиш, Бири ҳақгўй киши оғзидаги тил.

Эгрини тузатмоқ эмасдир осон, Тўғрини ҳам эгри тушунар нодон.

Хаёл қилмоқ мумкин узундан-узук, Уминг узук бўлсин, бўлгил умрзук.

Ёмонликдир қинғир киши юмуши, Ҳеч кимсага фойда келтирмас иши.

Барчамизга хосдир охир икки иш, Ё зарбага чидаш, ё зарба бериш.

Ипак курт қанчалик кўядир танда, Тўқиган матоси ўзида, танда.

Оч тую янтоққа тўйғизар қорин, Точон ейди, аммо кетказмас орин.

Тирговичга базўр суйанган девор, Бир кунни йиқилар, нима чоранг бор?!

Ростликдан топурсан дунёда шодлик, Қинғирга айтиб қўй, қайда ободлик.

Тошкент Тиббиёт академиясининг жамоаси ва касаб а уюшмаси даволаш факультетининг факультет ва госпитал терапия, шарқ табobati, тиббий профилактика факультетининг ички касалликлари кафедраси профессори С.С.Пўлатовага турмуш ўртоғи Абдулхамит Пўлатович Пўлатовнинг вафот этганилиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изхор этади.

2008 — Ёшлар йили

БОЛАЛАРГА МЕҲР-МУРУВВАТ КЎРСАТИЛАДИ

ДУНЁДА КЎНГЛИ ЎКСИК, ҲАЁТДА ҚИЙНАЛИБ ҚОЛГАН ИНСОНЛАРГА, ДИЙНИҚ БОЛАЖОНЛАРГА МЕҲР-МУҲАББАТ КЎРСАТИШ, ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДАН ҲАМ ОРТИҚ САВОБЛИ ЮМУШ БЎЛМАСА КЕРАК.

Хусусан кунни кеча Тошкент шаҳар «Меҳр таянчи» марказида бўлиб ўтган катта байрам кечаси ҳам худди шундай эзгу ният—тақдир тақозоси билан қийналиб қолган болажонларга ёрдам бериш, уларга меҳр улашиш орқали кўнгилларини кўтариш мақсадида ташкил этилди.

— Марказимиз 2000 йил «Болаларни асраш» (Буёк Британия) ва Ўзбекистон болалар жамғармаси хайрия ташкилотлари кўмагида ташкил этилган, — дейди биз билан суҳбатда «Меҳр таянчи» маркази директори вазифини бажарувчи Доноҳон Эшонова. — Мақсадимиз ҳаётда қийналиб қолган болажонларни аниқлаш, уларни маҳалла, оиласига қайтариш, ҳаёт кўнжималарига, спорт билан шуғулланиш, ижодий машғулотлар, турли тренинглар, санитария ва гигиена ишларини ўргатиш орқали уларни соғлом турмуш тарзига йўналтириш, касбий таълим муассасаларида касб-хунар эгаллашларига ёрдам беришдир.

Дарҳақиқат турли сабабларга кўра ота-она қаровисиз қолган 3 ёшдан 16 ёшгача бўлган болажонларни бағрига олиб эртанги кунга ўмид, ишонч

уйғотиб ҳаётда хайрли ва эзгу мақсадлар билан яшашга ўргатаётган ушбу марказда болажонларни жондидан севган, уларга беминнат кўмак беришга тайёр устоз-мураббийлар хизмат қиладилар. Улар қисқа фурсат ичида болажонлар билан бирга бўлиш жараёнида, яъни марказга келтирилган болажон 10,15,25, узоғи билан 45 кунгача бўлишини ҳисобга олсак яхши натижаларга эришиб келмоқдалар.

Биз тадбир давомида болажонларнинг ўз қўллари билан яратган мўъжазгина кўргазмани томоша қилар эканмиз, уларга хунар ўргатаётган Муножатхон Мирзааҳмедовани суҳбатга тортидик.

— Болажонларга меҳр билан муносабатда бўлсангиз улар тезда ишга киришиб кетадилар, — дейди ёш, чаққон мураббий. — Улар тикиш-бичиш, бисер тикиш бўйича хунар ўргатар эканлар, ўз касбимдан хурсанд бўлиб кетаман, чунки бугун бу ерда ўрганаётган хунарларни эртага ҳаётда керак бўлиб мушуқулларини осон қилса, меҳнатларим самарасиз кетмас, қандай яхши.


«Меҳр таянчи» марказида бугун

қўш тантана, чунки Тошкент шаҳар болажон спортини ривожлантириш жамғармаси ҳам тадбирда иштирок этиб спорт анжонларидан иборат совға-саломларини болажонларга топширдилар. Спортнинг футбол, арқонда сакраш, юқорига тортилиш каби бир қатор турлари бўйича ўтказилган мусобақалар ҳам болажонларга катта завқ улашди.

Чиройли байрам дастурхони, Ҳамид Олимжон номидаги маданият уйи қошидаги «Сайёр» гуруҳи хонандалари ижросида янграган шўх яллаю, куй-қўшиқлар барчага бир олам завқ-шавқ улашди.

— Биз Ёшлар йилида ушбу марказ билан ҳамкорлик ўрнатиш бўйича шартномани имзоладик, — дейди Тошкент шаҳар рус миллий-маданий маркази раиси Татьяна Моторюк. — Чунки қийин аҳволда қолган болажонларга ёрдам бериш, қўллаб-қувватлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Боланинг бегонаси бўлмайди, қайси миллат вакили бўлмасин улар бизнинг фарзандимиз. Шунинг учун ҳам уларнинг ҳар биридан хабардор бўлмоғимиз, вақтида мурувват, ёрдам кўрсатишимиз шарт.

Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТЛАРДА: «Меҳр таянчи» марказидаги тўғараклар фаолиятдан лавҳалар.



Спорт янгиликлари

Жаҳон тиллари университети талабаси Ляля Шамсиддинова эгаллади. Иккинчи ва учинчи ўрин Миллий университет талабалари Наталья Никитюк ҳамда Вероника Черепенниковага насиб этди.

— Мен бундай ғалабани кутмагандим, — дейди Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари университети Рус филологияси талабаси Ляля Шамсиддинова. — Икки йилдан бери спорт билан шуғулланаман, ўтган йил Республика чемпионатида иккинчи ўринни қўлга киритганман. Бугунги марафонда мен унчун энг муҳими саломатлик, дўстлик ва ҳамжиҳатликдир.

Марафон голиблари ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари ва дипломлар билан тақдирланди.

Рахшона ТОШПЎЛАТОВА, «Туркистон-пресс»

ЖАНУБИЙ КОРЕЯДАН МЕДАЛЛАР БИЛАН

ЖАНУБИЙ КОРЕЯДА ЭРКИН ВА ЮНОН-РУМ КУРАШИ БЎЙИЧА УЮШТИРИЛГАН ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ МАМЛАКАТИМИЗ СПОРТЧИЛАРИГА ОМАД КЕЛТИРДИ.

Маъмуржон Рўзиев бош мураббийлигида қитъа чемпионатида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган эркин кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларидан ўз вази тоифаларида Курбон Қурбоновга олтин медаль насиб этган бўлса, Увайис Тулганов ва Абдул Аммаевлар бронза медалларига сазовор бўлишди.

Юнон-рум кураши бўйича уюштирилган баҳслар ҳам қизқарли кечди. Ҳамюртларимиздан — Дилшод Ориповга кумуш, Абдулмалик Алиев ва Давид Солдатқилларга ўз вази тоифаларида бронза медаллари насиб этди.

ЎШЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ УКРАИНАНИНГ ДОНЕЦК ШАҲРИДА БОКС БЎЙИЧА ЁШЛАР ЎРТАСИДА УЮШТИРИЛГАН

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

Қуйидаги бўш ўринларга танлов эълон қилади:

Профессорлар:

«Менежмент» (1); «Архитектура ва шаҳарсозлик» (1); «Геодезия ва кадастр» (1); «Касбий педагогика» (1).

Кафедра мудирлари:

«Иқтисодиёт» (1); «Шаҳар қурилиши ва ҳўжалиги» (1); «Гидротехника иншоотлари, замин ва пойдеворлар» (1).

Доцентлар:

«Шаҳар қурилиши ва ҳўжалиги» -0,5 ст. (1); «Қурилиш материаллари ва кимё» (1).

Катта ўқитувчилар:

«Архитектура ва шаҳарсозлик» (1); «Геодезия ва кадастр» (1).

Кафедра мудирлари лавозими танловда фан докторлари, профессорлар ёки фан номзодлари, доцентлар иштирок этишлари мумкин. Танлов муддати—эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун. Танловда иштирок этишни хоҳловчилар Тошкент шаҳри, 100011, Навоий кўчаси, 13-ўй, ҳодимлар иш юритиш бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.

Маълумот учун телефонлар: 150-20-52; 244-18-78, факс 142-80-00.

Мунажжим башорати

16 АПРЕЛЬ, ЧОРШАНБА

Куч-ғайратлар жўш уриб, кутилмаганда ашин тезлигида сиртга отилиб чиқиши мумкин. Имкон қадар ўзингизни бўш қўйинг. Берилган ваъдаларни бажариш, ниҳор ришталарини боғлаш, баҳс-мунозаралар, қури-

лиш ишлари, бирон сарфарга отланиш ёки сарфардан қайтиш хайрли бўлиши кутилади.

Бугун сусткашликка йўл қўйиш мумкин эмас. Бирок, жиддий ишларга қўл уриш ҳам матлуб эмас. Ҳар қандай ишда хотиржам ва эҳтиёткор бўлинг. Бугун имкон қадар кўпроқ яқинларингизга ғамхўрлик намоён этсангиз — ютасиз.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва яқшанбадан ташқари ҳар кунни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3350 нусхада босилади. Қоғоз бирими А-2

Нашрингизга берил масаллари бўйича турар жойлардаги почта бўлимлари ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сақланади. «Шарқ» нашриёт-матбаа ширкатида босилган. Корхона манзили: «Буёк Турон» кўчаси, 41-уй.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г-306

Бош муҳаррир Ақмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32